

4
2019

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI
ILMIY AXBOROTI



УДК:323/327:94(575,1)

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА МАЪМУРИЙ-ХУДУДИЙ БЎЛИНИШИ
ФОРМИРОВАНИЕ УЗБЕКИСТАНСКОЙ ССР И ЕГО АДМИНИСТРАТИВНО-
ТЕРРИТОРИАЛЬНОГО ДЕЛЕНИЕ

THE FORMATION OF UZBEKISTAN SSR AND ADMINISTRATIVE-TERRITORIAL
DIVISION

Рашидов Ойбек Расулович

БухДу жаҳон тарихи кафедраси доценти

Таянч сўзлар: мустамлака, депортация, менталитет, тенденция, миллий сиёсат, миллатчи, тоталитар, демография, статистика, миграция.

Ключевые слова: колония, депортация, менталитет, тенденция, национальная политика, националист, тоталитар, демография, статистика, миграция.

Key words: colony, deportation, mentality, tendency, national policy, nationalist, totalitar, demography, statistics, migration.

Ушбу мақола Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши ва маъмурӣ-худудий бўлиниши масалаларига бағишланади. Муаллиф томонидан мазкур масала юзасидан мавжуд бўлган архив хужжатлари, эълон қилинган мақола ва хужжатлар, даврий матбуот материаллари, давлат арбобларининг нутқлари, статистик материалларни таҳлилига алоҳида эътибор қаратилган.

В данной статье посвящается формирование Узбекистанской ССР и административно-территориального деления. Автором уделяется особое внимание анализу архивных документов, опубликованных научных статей изучаемого периода, материалов периодической печати, речей государственных деятелей, а также статистических данных.

This article is devoted to the formation of Uzbekistan SSR and administrative-territorial division. The author pays special attention to the analysis of the archival documents, the published scientific articles of the studied period, materials of periodicals, speeches of statesmen and also statistical data.

Кириш. 1920 йил бошларида Турккомиссия раиси Я.Рудзутак томонидан Туркистан АССРни бўлиб ташлаш ва тил белгисига қараб муҳтор (автоном) республикалар тузиш масаласи кўйилди. Бу таклиф большевиклар етакчиси В.И. Ленин томонидан кўллаб-куvvatланиб, у Туркистан ўлкасининг “Ўзбекия, Киргизия, Туркмания”га бўлинган картасини тузиш ҳақида кўрсатма берди[1]. Миллий республикалар тузиш ғояси ташаббускорлари бу масалани маҳаллий халқлар ҳаётидаги тенгсизлик, миллий можароларнинг кучайиб бораётгани ҳақидаги соҳта омиллар билан асослашга ҳаракат қилдилар. Большевиклар Ўрта Осиё халқларининг асрлар оша яшаб келган худудий-географик бирликлар доирасидаги кейинги тараққиётини шубҳа остига қўйдилар.

Асосий қисм. Турккомиссия ва Я.Рудзутак тезисларига қарама-қарши ўлароқ, Туар Рисқулов ва бир гуруҳ миллий етакчилар 1920 йилнинг ўзида туркизабон халқларнинг ягоналиги, уларнинг тарихий илдизлари, дини, анъаналари ва маданиятининг муштараклиги, Туркистанни алоҳида қисмларга ажратиб бўлмаслиги каби ҳаётий ғояларни ҳимоя қилиб чиқдилар. Бироқ бу фикрлар большевиклар тасарруфидаги Марказ томонидан инкор этилиб, Т. Рисқулов “ўнг оғмачилик” (правоцентризм), миллатчилик ва пантуркизмда айбланди, унга бўхтонлар ёғдирилди.

Ўрта Осиёни миллий жумҳуриятларга бўлиш масаласи ўртага ташлангач, маҳаллий зиёлилар турли-туман саволлар ва мурожаатлар билан чиқа бошладилар. “Миллий-худудий чегараланиш Туркистан доирасида бўладими ёки Ўрта Осиё масштабидами? Миллий жумҳуриятлар бўлгач уни бирлаштирадирган Марказ масаласи қандай ҳал бўлади? Ўрта Осиё федерацияси керакми? Жумҳуриятлар иттифоқ (СССР)га ёки Русия шўро жумҳуриятига боғланадими? Миллий жумҳуриятлар

бевосита Марказга боғланса миллатлар орасида иқтисодий алоқа қандай бўлади? Бўлиниш тартиблари ва қирғиз, қозоклар Қозогистонга қўшиладими ёки алоҳида жумҳурият бўладими? Туркманлар, Хоразм ва Бухоро туркманларини бирлаштирадими? Тожик, қирғиз автономияси қандай тузилади? Бухоро ва Хоразм ўзбеклари қандай фикрда”[2] деган саволлар ўша давр руҳиятини ифодалаган ҳаётий сўроқларни ташкил этган.

1924 йил 4 июнь куни Москвада комфириқнинг 13-курултойи бўлиб, унда Туркистон вакили сифатида С. Хўжанов иштирок этган. Қурултойда Ўрта Осиёning миллий-худудий чегараланишига доир муҳим масалалар ҳам муҳокама қилинган. Энг асосийси, миллий республикалар ташкил топгач, Ўрта Осиё ўлкалари бирлашиб, федерация тузилиши масаласи кун тартибига қўйилган. Дастреб қурултойда Ўрта Осиё бюроси номидан Я. Рудзутак маъруза қилганидан кейин Туркистондан борган ҳар бир миллат вакилларига сўз берилган. Афсуски, ўзбек, қозоқ, туркман ва қирғиз миллатига мансуб вакиллар Ўрта Осиёни ягона федерацияга бирлаштириш вақти ҳали келмаганини таъкидлаб, бундай заруратни инкор этганлар [3].

Большевикларнинг Туркистон минтақасида миллий чегаралашни амалга оширишдан бош мақсади, шубҳасиз ўлкани хомашё етказиб берувчи ҳудудий бирликларга айлантириш бўлган. Ҳатто, Ўрта Осиёда миллий чегараланиш жараёни кетаётган бир пайтда хомашё ва хўжаликка қараб йирик ширкатлар тузиш лойиҳаси аллақачон тузилган эди. Бу ширкатларнинг бири “рус-ўзбек ширкати” ва иккинчиси “рустуркман ширкати” ҳисобланган. “Рус-ўзбек ширкати” ҳайъатига Ўзбекистон жумҳурияти билан бирга қозоқ, қора қирғиз, тожик районлари ҳамда собиқ Бухоро билан Хоразмнинг катта қисми киритилди. Бухоро билан Хоразмнинг қолган қисми “рустуркман ширкати”га бирлаштирилди [4].

Шундай қилиб, Туркистон, Бухоро, Хоразм совет республикалари 1924 йил ноябрьда бўлиб ўтган маҳсус сессияларида ўз-ўзини тарқатиб юбориш тўғрисидаги қарорини қабул қилди. Шу йилнинг 31 октябрида Ўзбекистон ССР тузилишини бошқариш учун Инқилобий қўмита (Ревком) таъсис этилди. Ўрта Осиё республикаларининг миллий давлат чегараланиши ниҳоясига етиши билан Туркистон минтақасидаги қайд этилган республикалар Советлари Ижроия Комитетлари ўзларининг ваколатларини Файзулла Хўжаев раислигидаги инқилобий қўмита – Ўзбекистон ССРнинг муваққат ишчи-дехқон ҳукуматига топширилдилар. Мазкур қўмита 1924 йил 5 декабрда Ўзбекистон ССРнинг ташкил топганлигини эълон қилган ҳамда ушбу кунни республиканинг ташкил этилган санаси сифатида байрам қилишни белгилаган. Инқилобий қўмита ташаббуси билан Тошкентда 5 декабрь тантанасини ўтказиш бўйича маҳсус комиссия тузилиб, тадбирни ўтказиш режаси ишлаб чиқилган[5]. Ушбу тантанада Ўзбекистон ССР Инқилобий қўмитаси номидан Ф.Хўжаев, Умумrossия коммунистик партияси Ўрта Осиё бюроси номидан Зеленский ва эски шаҳар ижроқўмидан Маллабоевларнинг табрик сўzlари йўлланган[6].

1924 йил 31 декабрда бўлиб ўтган мажлисда Ўзбекистон ССР Инқилобий қўмитасининг Президиуми таркиби тасдиқланди. Унга қўра Ф.Хўжаев раис, Гельберг, Дунаев, Раҳимбобоев, Хидириалиев, Иванов аъзолар сифатида киритилган[7]. Шу куни Ўзбекистон ССР Инқилобий қўмитаси Ўрта Осиёning миллий-худудий чегараланиши, Туркистон АССР, БССР, ХССР тугатилиши ва тақсимотдан кейинги натижалар, Ўзбекистон ССРнинг совет органларини жонлантириш учун комиссия ташкил қилиш ҳамда давлат идораларини маҳаллийлаштириш тўғрисидаги қарор лойиҳалари ва бошқа масалаларни кўриб чиқди [9]. Шунингдек, мазкур йигилишда тасдиқланган қарорда Ўзбекистон ССРнинг чегаралари ва маъмурий бўлиниши қуйидагича бўлди: Ўзбекистон Совет Республикасининг Амударёдан бошланадиган чегараси собиқ Бухоро Республикасининг чегарасидан ўтиб, Самарқанд вилояти чегарасигача борди. Ушбу вилоятнинг Жиззах уеҳди ҳудудига (чегарасига) киради ва йўналишини шарққа олиб, Қирғиз Республикасининг 6 та кўчманчи волостлари (Отакўрғон, Кўк-Тюбин, Кўргон-Тюбин, Қизилқум, Писталитоғ ва Чордарё)ни ажратади. Шу йўсинда Жиззах уеҳдининг Синтаб, Фориш, Богдан, Саурюқ, Ўзбек, Работ, Зомин ва Ям волостларининг шимолий чегаралари билан тўғри келди.

Республиканинг Мирзачўл уездига қарашли ҳудуди Хават, Беговот ва Даљварзин волостлари ҳамда Бўка, Оққўрғон, Майдонтол волостларининг чегаралари бўйлаб ўтиб, Чирчик дарёсининг Сирдарёга қўшилиш жойидан Чирчик дарёсининг юқори томонига қараб волост чегарасигача борган. Сўнг чегара Зангюта, Булатовская, Ниёзбек волостлари чегараси бўйлаб ўтади. Сирдарё вилоятининг Тошкент уездига тегишли Хитойтепа (Китайтюбинская), Жетикент, Телов (Теляусская) ва Облик (Аблыкская) волостлари бўйлаб ўтди[9].

Ўзбекистон ССРнинг Фарғона вилояти орқали ўтувчи чегараси қуидаги уездлари ҳудуди бўйлаб ўтиши белгиланган:

а) Наманган уездидаги мавжуд қуидаги волостлар чегаралари бўйлаб: Чодак, Олмос, Косон, Нанай, Пишқўрғон, Янги-Қўрғон, Чорток, Уйчи;

б) Андикон уездидаги волостлар чегаралари бўйлаб: шимолдан – Ҳаққулобод, Избосган, Майгир, Қўқон қишлоқ, Эрбоши, Қўрғонтепа, Қорасув, Чимён, Хонобод, шарқдан – Хонобод ва Қорасув волостлари чегаралари ўнг бурчаги ҳамда ғарбда – Қорасув, Каянская ва Булоқбоши волостлари билан кесишид;

в) Марғилон уездининг – Кулин, Марҳамат, Яккатут, Чимён (уни Халмион чизиги бўйича икки қисмга бўлади, улардан шимолийси Ўзбекистон Республикаси чегарасида қолади, жанубийси Қора-Қирғиз вилоятига ўтади) волостлари чегаралари бўйлаб ўтди;

г) Қўқон уездидаги волостлар чегаралари бўйлаб: Риштон, Осҳская ва Исфара волостлари бўйлаб, Самарқанд вилояти чегарасигача етиб, Хўжанд уездининг Чалкулуйская ва Исфара волостларининг чегаралари бўйлаб йўналади, сўнг Самарқанд уездининг шимолий қисмидан ва Тожик Республикасига Самарқанд уездининг уч волости (Матчинская, Ольгарская ва Искандар)ни ажратиб, қуидаги волостларнинг чегаралари бўйлаб ўтади: Басмандинская, Шахристон, Авто-Буринская, Киштут[10].

Собиқ Бухоро Республикаси ҳудудидаги Ўзбекистон ССРнинг чегаралари Қоратоғ тумани ва Тожик Автоном вилоятини ажратган ҳолда, Сариосиё вилояти чегараси бўйлаб, сўнг Шеробод вилояти чегараси ва ундан Келиф туманини Туркманистон ССРга ажратади ҳамда Туркманистон Республикасига ўтган Карки вилоятининг шимолий чегарасидан Чоржўй вилоятининг Фороб туманинча етиб боради. Фороб тумани Туркманистон ССР таркибига ўтади. Қатъий аниқланган чегараларни иккала Республиканинг (Ўзбекистон ва Туркманистон) келишувига кўра ўрнатиш лозим.

Инқилобий қўмита Ўзбекистон ССР билан Қирғиз Республикаси чегаралари масаласида Ҳудудий Комиссиянинг 21.08.1924 йил №5 баённомасидаги 2-бандини янги ўзгаришлар билан тасдиқлади.

Жумладан, Ўзбекистон ССР чегараларига Тошкент уездининг қуидаги волостлари киритилсан: мунозарали бўлмаган волостлар: Облик, Телов, Кандкегейли, Хурдан, Келес, Пискент, Бўка, Оққўрғон, Жетикент, Хитойтепа .

Ўзбекистон ССРга қуида келтирилган Тошкент уездининг бешта волости киритилсан: Осмонота, Гойибота, Жалолтепа, Майдонтол ва Тўйтепа (қаранг: 5-сон баённоманинг 2-банди) [11].

Ҳудудий Комиссиянинг Чиноз волостини Қозоғистон АССРга киритиш тўғрисидаги қарорини ўзгартирган ҳолда, Тошкент уездининг мазкур волости (Чиноз волости) Ўзбекистон ССРга киритилсан (қаранг: 21/VIIIдаги 5-сонли баённоманинг «г» банди). Беговот, Сават, Хават ва Даљварзин волостлари Ўзбекистон ССР чегараларига киритилсан (қаранг: 5-сонли баённоманинг «б» банди) [12].

Ўзбекистон ССР таркибида Хонобод, Қўрғонтепа, Қорасув, Султонобод ва Жалолқудуқ волостлари билан бирга Ўш уездидаги Манъякская волости ҳам киритилди. Қора-Қирғиз Автоном вилоятига Кампир-Равот тизими сув масаласидаги иштирокига кафолат берилди [13].

Бундан ташқари Инқилобий қўмита Тожикистон Автоном Совет Социалистик Республикасининг Ўзбекистон ССР таркибиға киришини тасдиқлади. Ушбу масала 1927 йил қабул қилинган Тожикистон АССР Конституциясининг 1-моддасида ҳам ўзининг қонуний тасдиғини топган[14]. Архив ҳужжатларида келтирилган маълумотларга кўра Тожикистон АССРнинг шу пайтдаги майдони 135.620 кв.км. ни ташкил этган [15].

TARIXSHUNOSLIK

Ўзбекистон ССР Инқилобий қўмитаси Қорақалпоқ Автоном вилояти билан ҳам чегаралар хусусида қўйидаги келишувни тасдиқлади:

1) Тўрткўл шаҳри ва унинг туманлари Қорақалпоқ Автоном вилояти таркибиға киритилсин;

2) Қорақалпоқларни ажратгандан сўнг аҳолисини ўзбеклар ташкил қилган Амударё вилоятидаги Хоразм Шўрахон уезди Ўзбекистон ССР таркибиға киритилсин;

3) Қўмитанинг Тўрткўл тумани худудини Қорақалпоқ Автоном вилояти ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида чегаралаш тўғрисидаги қарори тасдиқлансан (Ўрта Осиё Бюросининг 2-сонли баённомаси) [16].

Даврий матбуотда берилган расмий маълумотга кўра Ўзбекистон ССРнинг майдони (тожик музофотидан бошқа) 350 минг мураббаъ [17] чақирим [18] эканлиги қайд этилган. Республика маъмурий жиҳатдан 7 та музофот: Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё ва Хоразм [19] ҳамда 31 та уездга бўлинди[20]. Уездлар волостларга, волостлар қишлоқларга бўлиниб бошқарилиши белгиланди. 1925 йилда Ўзбекистон ССРда экин экиладиган ерларнинг умумий майдони эса 1млн 443 минг 530 десятинани ташкил этган [21].

Ўзбекистон ССР Инқилобий қўмитаси Самарқанд шаҳрини республика марказига айлантириш борасида аниқ режалар ишлаб чиқди. Самарқанд шаҳрини пойтахт ҳолига қўйиш учун Махсус Комиссия тузилди ва унга Сайдали Хўжаев раис этиб тайинланган. 1924 йил 15 декабрда Инқилобий қўмитанинг йиғилишида Махсус Комиссия аъзоси Соколов Самарқанд шаҳрига марказий муассасалар ва ходимларни кўчириш мақсадида бино ҳамда хоналар қидириб топиш топширигини бажариш бўйича умумий фойдали майдони 1827 кв. саженни [22] ташкил қилувчи 211 хонадан иборат 19 та алоҳида муниципализация қилинган бино топилгани ҳақида маълумот беради[23]. Мазкур йиғилишда Самарқанд шаҳрида ҳукумат учун бўшатилган қўйидаги бинолар рўйхати келтирилади:

- капитал таъмирлашни талаб қилувчи 10 та бино, улар ичиде Гаризон Клубининг биноси;
- бошқа мактабларни зичлаштириш йўли билан бўшатилган 3 та мактаб биноси;
- комиссия томонидан мўлжалланган болаларни Тошкентга кўчириш йўли билан бўшатилаётган 3 та болалар уйи ва дайдиб юрган болалар коллектори;
- Тошкентдаги Архив ишлари бош бошқармасига кўчирилган архив бюроси жойлашган бино;
- вилоят касаба уюшмалари марказий кенгashi билан бирлаштирилган вилоят касаба кенгashi биноси;
- маҳаллий хўжаликлар эгаллаб турган бинолар;
- вилоят давлат ижроия қўмитаси (Облгорисполком) эгаллаган бинолар [24].

Матбуот материаларида келтирилган маълумотларга қараганда Ўзбекистон ССРнинг бўлажак пойтахти Самарқандда давлат аппарати ва бошқарув муассасалари учун бинолар қуриш ҳамда шаҳарни ободонлаштириш мақсадида Марказ томонидан 1 миллион сўм маблағ ажратилган [25]. Тўплangan материалларга таяниб шуни айтиш мумкинки, қисқа мuddатда (1924 йилнинг 5 декабридан – 1925 йилнинг 3 апрелига қадар) Бухоро ва Тошкент шаҳарлари Ўзбекистон ССРнинг пойтахти вазифасини бажарди. 1925 йилнинг 3 апрель куни Ўзбекистон ССР марказий ҳукумати Тошкент билан хайрлашиб, республиканинг янги пойтахти Самарқандга кўчиб борди[26]. Пойтахтнинг Самарқандга кўчиб келиши муносабати билан шаҳарда байрам бўлиб, унда Ф.Хўжаев, И.Охунбобоев, И.Хидиралиев, В.Иванов ва бошқаларнинг табрик сўзлари айтилган. Жумладан, В.Иванов шундай дейди: “Бу кунгача тарихда ҳеч бир давлатнинг ўз пойтахтини яхши катта шаҳардан кўра қўйироқ даражада бўлган шаҳарга кўчиргани кўрилмаган. Шўро ҳукумати бўлса ўз пойтахтини меҳнаткашларга энг яқин бўлган жойга қуради” [27]. Пойтахт Самарқанд шаҳри хусусида 1927 йили қабул қилинган Ўзбекистон ССР Конституциясининг 114-моддасида “Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг пойтахти Самарқанд шаҳри” [28] деб қайд этилган.

Хуноса. Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланишнинг ўтказилиши собиқ Туркистон АССР, БХСР ва ХХСРлари ўрнида Ўзбекистон ССР, Туркманистон ССР,

Тожикистон АССР (Ўзбекистон ССР таркибида), Қорақырғиз (Қирғиз) вилояти (РСФСР таркибида) ва Қорақалпогистон Автоном обласи (Қозогистон АССР таркибида) ташкил этилди. Туркистанда миллий-худудий чегараланиш жараёни большевиклар миллий сиёсатининг янги босқичи бўлиб, бунда миллий мажароларнинг олдини олиш ва худудларнинг иқтисодий тараққий этиши белгиланган эди. Аммо миллий низолар, яъни худуд талашларнинг давом этиши натижасида Туркистон минтақасининг яхлитлигига путур етди. Совет намунасида тузилган мазкур республикалар иқтисодиёти бир ёқлама, сабиқ Иттифоқнинг хомашё этиштирадиган чекка худудларига айлантирилди.

АДАБИЁТЛАР

1. Азамходжаев А. Образование и развитие Узбекской ССР. – Т.: Фан, 1971. – С.80.
2. Рамз. Миллий жумҳуриятлар масаласи // “Туркистан”. 1924 йил 24 май. 276-сон.
3. Ўрта Осиёни миллий чегараларга қараб бўлиш // “Туркистан”. 1924 йил 26 июн. 297-сон.
4. Миллий чегараларга бўлиниш ҳамда Туркистон пахтачилик ширкати // “Деҳқон” журнали. 1925 йил январь. 1-сон. 35-бет.
5. Эски Тошкентда 5 декабр тантанасининг плани // “Қизил Ўзбекистон”. 1924 йил 5 декабр. 1-сон.
6. Ўзбекистон жумҳуриятининг эълон қилиниш байрами // “Қизил Ўзбекистон”. 1924 йил 7 декабр. 2-сон.
7. Ўзбекистон МДА, Р-87-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 11-варақ.
8. Ўзбекистон МДА, Р-87-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 3-9-варақлар.
9. Ўзбекистон МДА, Р-87-фонд, 1-рўйхат, 9-иш, 72-варақ.
10. Ўзбекистон МДА, Р-87-фонд, 1-рўйхат, 9-иш, 73-варақ.
11. Ўзбекистон МДА, Р-87-фонд, 1-рўйхат, 9-иш, 74-варақ.
12. Ўзбекистон МДА, Р-87-фонд, 1-рўйхат, 9-иш, 74-варақ.
13. Ўзбекистон МДА, Р-87-фонд, 1-рўйхат, 9-иш, 75-варақ.
14. Ўзбекистон МДА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 3211-иш, 1-23-варақлар.
15. Ўзбекистон МДА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 2394-иш, 127-варақ.
16. Ўзбекистон МДА, Р-87-фонд, 1-рўйхат, 9-иш, 75-варақ.
17. Мураббаъ – араб тилидан олинган бўлиб, тўрт томон деган маънони англатади. Ушбу ўринда метрологик жиҳатдан квадрат маъносини ифодалайди.
18. Ўзбекистон. (Ўртоқ Исломов билан мусоҳаба) // “Туркистан”. 1924 йил 14 ноябр. 396-сон.
19. Ўзбекистон инқилобий шўролар жумҳуриятининг қисқа жўкрофияси // “Қизил Ўзбекистон”. 1924 йил 5 декабр. 1-сон (412-сон).
20. Ўзбекистон МДА, Р-87-фонд, 1-рўйхат, 9-иш, 74-варақ.
21. Ўзбекистон МДА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 2394-иш, 135-варақ.
22. Сажень – бу узунлик ўлчов бирлиги ҳисобланиб, 1 сажень 2,16 метрга тенгdir.
23. Ўзбекистон МДА, Р-87-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 99-варақ.
24. Ўзбекистон МДА, Р-87-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 99-99-варақнинг орқаси.
25. Ўзбекистон (Ўртоқ Исломов билан мусоҳаба) // “Туркистан”. 1924 йил 14 ноябр. 396-сон.
26. Ўзбекистон ҳукумати янги марказга кўчиши муносабати билан // Қизил Ўзбекистон. 1925 йил 2 апрел. 94-сон.
27. Ўзбекистон халқига янги марказ қутлуғ бўлсин. Марказий ҳукуматимиз Самарқандга кўчиб борди // “Қизил Ўзбекистон”. 1925 йил 5 апрел. 96-сон.
28. Ўзбекистон МДА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 2394-иш, 83-варақ.

Тошева Д.А. Ўзбек халқ паремаларида антономик муносабатлар.....	150
Сайдова М.У. Крис Болдикнинг “Адабиётшунослик терминларининг қисқача изоҳли оксфорд луғати” (“The concise Oxford dictionary of literary terms”)га изоҳлар.....	153
Муқимова З.Р. Ўтқир Ҳошимовнинг “Дафтар ҳошиясидаги битиклар” асарида услубий конвергенция	157
Турсунов М.М. Инглиз тилидаги тури үйашашлик белгиларига асосан қўчиш принципи асосида хосил бўлган метафорик ибораларнинг баъзи бир типлари таҳлили	162
Адизова Н.Б. Бухоро туман топонимлари ва уларнинг луғавий асослари.....	170
Ширинова М.Ш. Кино тили тушунчаси ва унинг лингвистик аспектда ўрганилиши.....	174
Хожиева Н.Ҳ. Мевачилик лексикасига оид баъзи мулоҳазалар.....	178
• ADABIYOTSHUNOSLIK	
Дониярова Ш.Х. “Турпроқ” образининг бадиий талқини.....	185
Ҳайитов Ш.А. Алишер Навоий ринди ҳаробатийлар ҳақида.....	189
Давронова Ш.Ғ. Истиқолол даври ўзбек романчилигига мифопоэтик тафаккур	195
Мажитова С.Ж. Абдураҳмон Жомий ғазалиётида тасаввуфий рамзлар тизими ва уларнинг функционал хусусиятлари.....	199
Карамова Ш.Л. Шоира шеъриятида фикр ва туйғу ўйнунлиги.....	205
Jamilova B.S. Bolalar nasrida jinoyat olamiga kirib qolgan o'smirlar ruhiyati tasviri.....	209
Гудзина В.А., Рахимов М.М. Влияние гофмановского двоемирья на феномен двойничества в русской литературе XIX века	214
Курбонова Н.Р. Нореал дунё ҳақидаги тасаввурлар ва уларнинг бадиий инъикоси	220
Xolikova N.N. Ingliz va o'zbek adabiyotida detektiv yo'nalishdagi asarlarning o'ziga xos xususiyatlari	224
Zaripova D.B. Ta'limi - didaktik asarlarda rahbar ma'naviyati masalasi	228
Киличева М.Р. Кетрин Менсфилд ҳикояларида ёлғизлик мотиви талқини.....	233
Сайитқұлов И.А. “Темурнома”да халқ эпоси анъаналарнинг құлланилиши.....	237
Муртазаева Ф.Р. Типология женских персонажей В.Токаревой(на примере произведений «Своя правда», «Хрустальный башмачок», «Летающие качели»).....	241
• NAVOIY GULSHANI	
Амонова З.Қ. Навоийнинг бир наът ғазали хусусида.....	247
• FALSAFA, HUQUQ VA SIYOSATSHUNOSLIK	
Эргашева М.З. Давлат мустақиллиги масалалари мутафаккирлар талқинида.....	250
Салаев Д.Ж. Осиё мамлакатларида фуқаролик жамияти институтлари ривожининг ўзига хос хусусиятлари(Япония ва Хитой мисолида).....	254
• TARIXSHUNOSLIK	
Бобоҷонова Ф.Ҳ., Зойиров Ф.З. Бухоро амирлигидаги янги усул мактабларининг фаолияти....	259
Рашидов О.Р. Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши ва маъмурий-худудий бўлиниши.....	265
Абдуллаев А.Н. Политические процессы в истории Афганистана.....	270
• IQTISODIYOT	
Мўминов Х.И. Иқтисодий ўсишни эконометрик моделлаш ва прогнозлаш.....	276
Djurayeva D.D. Xizmatlar sohasining rivojlanishida innovatsion faoliyat.....	283
• PEDAGOGIKA	
Тўхлиев Б., Ҳамракулова Х.К., Эргашева Ш.О. 5-синф “адабиёт” ўкув предметидан тақомиллаштирилган ўкув дастури ва 3D тизимли ўкув қўлланма ҳақида.....	289
Ashurbayeva R.Q. Ta'lim tizimida integrativ yondashuvdan foydalanish.....	293
Кадирова Д.М. Развитие детей в дошкольном возрасте	299
Ахмедов Ф.Ш., Абдулахатов А.Р. Дзюдоҷиilar мусобақа фаолиятини баҳолаш илмий муаммо сифатида.....	303
• E'LON	
“Buxoro davlat universiteti ilmiy axboroti” jurnalida maqola e'lon qilish talab va shartlari.....	307